



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 1 » may

№ 257

Toshkent sh.

Давлат бюджети харажатларининг барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлиги ва иқлим ўзгаришига таъсирини кўрсатиб бориш (маркировкалаш) механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ–300-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Давлат бюджети харажатларининг барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлиги ва иқлим ўзгаришига таъсирини кўрсатиб бориш (маркировкалаш) механизмларини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ–300-сон қарорининг 9-бандида Давлат бюджети лойиҳасини шакллантириш ва ижроси бўйича ҳисоботларда бюджет харажатларининг барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлиги ва иқлим ўзгаришига таъсирини кўрсатиб бориш (маркировкалаш) механизмларини жорий этиш белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда халқаро ташкилотлар ва хорижий экспертлар иштирокида Давлат бюджети харажатларининг барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлиги ва иқлим ўзгаришига таъсирини кўрсатиб бориш (маркировкалаш) юзасидан дастлабки таклифлар ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Давлат бюджети харажатларининг барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлиги ва иқлим ўзгаришига таъсирини кўрсатиб бориш (маркировкалаш) концепцияси** (кейинги ўринларда – Концепция) иловага мувофиқ тасдиқлансин:

-бюджет харажатларининг барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлиги ва иқлим ўзгаришига таъсирини таснифлаш;

харажатларни таснифлашнинг мақсади, объекти ва қамрови;

харажатларни аниқлаш ва таснифлаш механизмлари;

харажатларни таснифлаш учун иқлим ўзгаришига таъсирни юмшатиш ва мослаштириш чора-тадбирларини белгилаш;

харажатларни таснифлаш натижаларини эълон қилиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда ушбу қарорнинг моҳияти ва у билан белгиланган мезонлар масъул ижрочилар ўртасида кенг тушунтирилишини таъминласин;

2024 йил 1 декабрга қадар халқаро ташкилотлар ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда, ушбу қарор билан тасдиқланган Концепцияни такомиллаштириш ҳамда “яшил” бюджетлаштириш (таснифлаш) тартибини жорий этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 1 майдаги 257 – сон қарорига
илова

**Давлат бюджети харажатларининг барқарор ривожланиш
миллий мақсадларига мувофиқлиги ва иқлим ўзгаришига
таъсирини кўрсатиб бориш (маркировкалаш)
КОНЦЕПЦИЯСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Концепция Давлат бюджети харажатларининг барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлиги ва иқлим ўзгаришига таъсирини кўрсатиб бориш (маркировкалаш) тартибини жорий этишда концептуал ёндашувларни белгилаш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Концепцияда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Давлат бюджети харажатларини барқарор ривожланиш миллий мақсадлари асосида маркировкалаш (кейинги ўринларда – харажатларни БРММ асосида таснифлаш) – Давлат бюджети харажатларининг барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлигини баҳолаш;

Давлат бюджети харажатларини иқлим жиҳатидан маркировкалаш (кейинги ўринларда – харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш) – Давлат бюджети харажатларини иқлим ўзгаришига таъсири бўйича бюджет таснифи асосида баҳолаш.

3. Мазкур Концепция қуйидаги асосий йўналишларни:

таснифлаш қамрови, объекти ва даражаси;

харажатларни аниқлаш;

чора-тадбирларнинг бюджет маълумотларига мувофиқлигини таъминлаш;
бюджет жараёнларига интеграция қилиш;

харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашни татбиқ қилишга қаратилган қисқа ва узоқ муддатли ҳаракатлар;

харажатларни барқарор ривожланиш миллий мақсадлари асосида таснифлашни ўз ичига олади.

**2-боб. Харажатларни иқлим жиҳатидан
таснифлаш қамрови, объекти ва даражаси**

4. Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети таркибидаги Давлат бюджетининг харажатлари қамраб олинади.

5. Таснифлаш объекти қуйидаги талабларга мос келиши лозим:

иқлим ўзгариши билан боғлиқ чора-тадбирларни аниқлаш ва уларга мос келиш учун ўзида етарли даражада бюджет маблағларини умумлаштирган бўлиши;

иқлим билан боғлиқ харажатларни бюджет жараёнининг барча босқичларида кузатиб бориш ҳамда харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашнинг Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимига (кейинги ўринларда – ДМБАТ) интеграция қилиш учун бюджет таснифлари ва бюджет ажратмалари даражасида белгиланиши;

харажатларни иқлим жиҳатидан таснифланган харажатлар самарадорлигини баҳолаш учун натижалар билан боғлаш имкониятининг мавжуд бўлиши лозим.

6. Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашнинг энг самарали объекти дастурий таснифи (классификатор) ҳисобланади. Бунда дастурий бюджетлаштириш орқали харажатларнинг асосий самарадорлик кўрсаткичлари, уларнинг мақсади, иқлим ўзгаришига эҳтимолий таъсири юзасидан маълумотлар шакллантирилади.

Бироқ, ҳозирда мамлакатимизда дастурий бюджетлаштириш тўлиқ жорий этилмаганлигини инобатга олган ҳолда, бюджет тизими бюджетларининг вазифалар жиҳатидан таснифи таснифлашнинг яқин истиқболдаги объекти этиб белгиланмоқда. Бунда харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш ушбу таснифнинг иккинчи (кичик бўлими) даражасида амалга оширилади.

Бюджет харажатларининг вазифалар жиҳатдан таснифи харажатларнинг тармоқ йўналишлари ва мақсадларини (қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, ёқилғи ва энергетика, чиқиндиларни тартибга солиш, сув ресурслари, ифлосланишнинг олдини олиш, биологик хилма-хиллик ва табиатни муҳофаза қилиш, тоғ-кон саноати, ишлаб чиқариш ва қурилиш, транспорт, коммуникациялар ва бошқалар) белгилаб беради.

7. Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашни бюджет тизимига самарали жорий этиш учун ҳар бир таснифлаш объектининг барча иқлим ўзгариши билан боғлиқ харажатлари бир хил таснифланади.

Дастурий бюджетлаштириш тўлиқ жорий этилганидан сўнг эса таснифлашнинг объекти қайта кўриб чиқилади ҳамда дастурий бюджетлаштириш қуйи даражасининг таснифи харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш объекти сифатида жорий этилади.

3-боб. Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашда бюджет харажатларини аниқлаш, шунингдек, тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш

8. Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашда харажатлар “мақсадларга асосланган” йўналишда таснифланади. Бунда харажатлар иқлим ёки “яшил” ғоя бўйича якуний натижаларга эришишни мақсад қилган тадбирлар билан боғлиқлиги бўйича таснифланади.

9. Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашни жорий этиш учун қуйидаги 4 та асосий тадбирлар белгиланиши зарур:

таъсирни “ижобий” тарафга юмшатиш тадбирлари;
“салбий” таъсирни юмшатиш тадбирлари;
“ижобий” мослаштириш тадбирлари;
“салбий” мослаштириш тадбирлари.

10. Таъсирни “ижобий” тарафга юмшатиш тадбирлари куйидаги уч турдаги йўналишдан иборат:

манфий ёки нолга яқин иссиқхона газлари эмиссиясига эга фаолият;
иссиқхона газларини кўп эмиссия қилувчи тизим доирасида амалга ошириладиган, бироқ иқлимга зарарни нейтраллаштиришга қарата эмиссияларни камайтиришга ёрдам берадиган ўтиш даври фаолияти;
иссиқхона газлари эмиссиясини камайтиришга асос яратувчи бошқа фаолиятни рағбатлантирадиган тадбирлар.

11. Иқлим ўзгариши таъсирини “ижобий” тарафга юмшатиш тадбирлари ушбу Концепцияга 1-иловада келтирилган.

12. Иссиқхона газларини кўп эмиссия қилувчи деб эътироф этилган ва эмиссия даражаси пастроқ муқобил ечимлар мавжуд бўлган фаолиятлар “салбий” таъсирни юмшатиш тадбирлари учун белгиланади. Шунга кўра ушбу тадбирлар рўйхатига куйидагилар киритилиши лозим:

кўмирнинг қиймат занжири билан боғлиқ барча фаолият турлари, шу жумладан, казиб олиш ва истеъмол қилиш;

ички ёнув двигателида ишлайдиган автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳаракатга келтириш учун бензин, дизель ёқилғиси ёки бошқа углеводородлардан фойдаланиш билан боғлиқ барча фаолият турлари;

норасмий полигонларда, санитария талабларига жавоб бермайдиган полигонларда ёки санитария талабларига жавоб берувчи, бироқ чиқинди гази ушлаб қолинмайдиган полигонлардаги чиқиндиларни тартибга солиш бўйича барча фаолият турлари;

қорамол ва қўйларнинг қиймат занжири билан боғлиқ фаолият турлари;
казиб олинадиган ёқилғидан (табiiй газ бундан мустасно) энергия ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилишнинг ҳар қандай шакли учун субсидиялар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳаси ишлаб чиқаришига субсидиялар (иссиқхона газлари эмиссияларини қисқартиришга йўналтириладиган субсидиялар бундан мустасно).

13. Узоқ муддатли истиқболда “ижобий” мослаштириш тадбирларини аниқлаш учун куйидаги уч босқичли ёндашувни қабул қилиш лозим:

иқлим ўзгариши билан боғлиқ хатарлар, заифликлар ва таъсирларни белгилаш – лойиҳа ҳужжатларида кучли далиллардан фойдаланган ҳолда дуч келиниши мумкин бўлган иқлим билан боғлиқ муаммоларни аниқ кўрсатишни англатади;

ушбу муаммоларни ҳал этиш истагини билдириш – лойиҳа ҳужжатларида мавжуд таҳлиллар ва баҳолашлар асосида юқорида аниқланган муаммоларни ҳал этиш йўллари кўрсатилиши керак;

хатарлар ва фаолиятлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш – лойиҳада ҳозирги ва келажакдаги иқлим муаммоларини қандай ҳал этиш кўрсатилиши лозим.

14. Яқин истиқболда “ижобий” мослаштириш тадбирларини аниқлаш учун “одатий” мослаштириш чоралари рўйхатидан фойдаланилади. Ушбу “одатий” мослаштириш чоралари хавф-хатарлар интенсивлигини камайтириш, иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавф-хатарларнинг аҳоли ёки активларга таъсирини камайтириш ва муайян иқлим хатарларига таъсирчанликни камайтирадиган тадбирлар, масалан, курғоқчиликка таъсирчанликни камайтириш учун сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чораларидан иборат.

15. Мазкур Концепцияга 2-иловада “одатий” мослаштириш чоралари рўйхати келтирилган. Бунда ушбу рўйхатдаги тадбирлар амалга оширилаётганда, уларнинг ҳақиқатан ҳам мамлакатда иқлим ўзгаришига мослашиш ишларига ҳисса қўшиши текширилади.

16. Келажакдаги курғоқчилик ҳолати ва сув танқислиги хатарларини инобатга олиб, яқин истиқболда “салбий” мослашув тадбирлари сув сарфини кўпайтирувчи тадбирларни чеклаш билан боғлиқ тадбирлар ҳисобланади.

4-боб. Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашда чора-тадбирларнинг бюджет маълумотларига мувофиқлигини таъминлаш

1-§. Бюджет харажатларини иқлим жиҳатидан долзарблиги бўйича кўриб чиқиш

17. Бюджет харажатларини иқлим учун долзарблиги жиҳатидан “ижобий”, “салбий” ёки “нейтрал” гуруҳларга ажратиш мумкин. Ҳозирда бюджет тизими бюджетларининг вазифалар жиҳатидан таснифидаги сатрларни ушбу гуруҳларга ажратиш учун айрим харажатлар бўйича қўшимча маълумотлар талаб этилади.

Шу сабабли, маълумотлар вазифалар жиҳатидан таснифдаги маълум бир бюджет сатри бўйича жами харажатларнинг 75 фоизидан кўпроғи “ижобий” эканлигини кўрсатган тақдирда, бюджет сатри иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган харажатлар деб ҳисобланади. Агарда жами харажатларнинг 75 фоизи “салбий” бўлса, унда бюджет сатри иқлимга салбий таъсир кўрсатадиган харажатлар деб ҳисобланади.

Кўшимча маълумотлар ушбу харажатларни баҳолашда ёрдам бермаса, ушбу сатр харажатларини нейтрал харажатлар сифатида қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

18. Бюджет харажатларининг экологик ҳолатга, иқлимга таъсиридан келиб чиқиб, яшил ранг (иқлим учун ижобий), кул ранг (иқлимга таъсири нейтрал), жигарранг (иқлимга ва атроф-муҳитга таъсири салбий) каби ранглар билан таснифлаш мумкин.

Мисол учун, электр энергиясида ҳаракатланувчи ер усти метро йўналишининг қурилиши шаҳарда ўрта муддатда ёнилғида ишловчи автотранспорт воситалари ҳаракатининг камайиши ҳисобидан атмосферага

зарарли газларни чиқаришни камайтиради. Яқин истиқболда эса метро қурилиши яшил майдонларнинг камайишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли ушбу тадбирни молиялаштиришни ўрта муддатда – яшил ранг (ижобий) билан, яқин истиқболда – жигарранг (салбий) билан таснифлаш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, шаҳарларда жамоат транспортининг ривожланишини рағбатлантириш ва пулли автомобиль тўхташ жойлари инфратузилмасини яратиш тадбирлари ҳавога чиқариладиган зарарли моддаларни камайтириш омили сифатида ушбу йўналишдаги харажатларни яшил ранг билан таснифлаш мумкин.

2-§. Иқлимга боғлиқ харажатларни қўллаб-қувватлаш интенсивлигини ҳисобга олиш

19. Иқлим билан боғлиқ харажатларни қўллаб-қувватлаш интенсивлиги (кейинги ўринларда – интенсивлик) иқлим ўзгариши билан боғлиқ вазифаларни қўллаб-қувватлаш асосий мақсади бўлган ҳамда асосий мақсади бўлмасда, маълум даражада қўллаб-қувватлайдиган харажатларни фарқлаш учун қўлланилади. Бироқ, амалдаги бюджет тизими бюджетларининг вазифалар жиҳатидан таснифи бундай фарқлаш имкониятини бермайди.

Шу сабабли яқин истиқболда харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашда интенсивлик ҳисобга олинмайди.

20. Узоқ муддатли истиқболда дастурий бюджетлаштириш тўлиқ жорий этилганидан сўнг интенсивликни ҳисобга олиш учун қуйидаги таснифлаш услубиётидан фойдаланилиши мумкин:

2 – асосан иқлим манфаати учун мўлжалланган фаолият билан боғлиқ бюджет қатори;

1 – асосан иқлим манфаати учун мўлжалланмаган бўлса-да, бироқ айрим даражада наф келтириши мумкин бўлган фаолият билан боғлиқ бюджет қатори;

0 – таъсири нейтрал ёки ноаниқ;

-1 – иқлимга салбий таъсир кўрсатиши кутилаётган тадбирлар билан боғлиқ бюджет қатори.

Дастурий бюджетлаштиришга алоқадор қўшимча маълумотлар “таъсирни юмшатиш” ва “мослаштириш” тадбирларидан алоҳида равишда интенсивликни баҳолаш имконини беради.

5-боб. Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашни бюджет жараёнларига интеграция қилиш

21. Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашни бюджет жараёнларига интеграция қилишда қуйидаги масалалар кўриб чиқилиши зарур:

харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш бўйича масбул ташкилотни белгилаш;

харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашнинг баҳолаш сифатини таъминлаш борасидаги жараёнлар;

харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш бюджет жараёнининг қайси босқичида амалга оширилиши;

харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашни автоматлаштириш даражаси;

харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш натижаларини жамоатчиликка ошкор қилиш борасидаги ёндашув.

1-§. Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашга масъул ташкилот

22. Дастурий бюджетлаштириш муҳитида тармоқ вазирлик ва идоралари одатда ўз бюджет дастурлари ва натижаларини ишлаб чиқиш ва бошқариш учун масъул бўлиб, молиялаштириш қарорларини қабул қилиш, унинг самарадорлигини таъминлашда эркинликка эга. Шу нуқтаи назардан, харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш тармоқ вазирлик ва идоралари томонидан бюджет дастурларини ишлаб чиқиш ва самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш босқичида амалга оширилиши зарур.

Бироқ, ҳозирда Ўзбекистон Республикасида дастурий бюджетлаштириш тўлиқ жорий этилмаганлигини инобатга олган ҳолда, яқин истиқболда харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

23. Узоқ муддатли истиқболда дастурий бюджетлаштириш тўлиқ жорий этилганидан сўнг харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш тармоқ вазирлик ва идоралари (биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар) томонидан бюджет дастурларини ишлаб чиқиш ва самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш босқичида амалга оширилади.

2-§. Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш сифатини таъминлаш

24. Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш сифатини таъминлашнинг мақсади таснифлаш жараёни ва маълумотларнинг белгиланган услубиётга мувофиқлигини таъминлаш. Бунда таснифлаш жараёнининг шаффофлиги ва иқлим билан боғлиқ харажатлар бўйича маълумотларнинг сифатлилиги таъминланиши зарур.

Шу сабабли харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш жараёни ҳамда натижалари тегишли давлат органи ёки иқлим ўзгаришини юмшатиш ва мослашиш сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда юритишга масъул ташкилот томонидан даврий равишда сифати баҳоланиши ва таъминланиши зарур.

25. Яқин истиқболда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш жараёнига таснифлаш сифатини таъминлаш учун иқлим ўзгариши бўйича экспертларни жалб этиш мақсадга мувофиқ.

26. Узоқ муддатли истиқболда харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш сифати иқлим ўзгаришини юмшатиш ва мослашиш сиёсатини ишлаб чиқиш

ҳамда юритиш масъул давлат ташкилоти томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан ҳамкорликда таъминланади.

3-§. Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашда бюджет жараёни босқичлари

27. Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш бюджет жараёнининг энг дастлабки босқичларида, шу жумладан, бюджет сўровлари, бюджет дастурларини шакллантириш босқичида амалга оширилиши лозим. Бу эса, ўз навбатида, бюджет дастурлари ва уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, бюджет муҳокамаларини ўтказиш ҳамда устувор вазифаларни белгилашда иқлим ўзгариши сиёсатининг мақсадлари ва натижаларини ҳисобга олиш имконини беради.

Шу сабабли узоқ муддатли истиқболда дастурий бюджетлаштириш тўлиқ жорий этилганидан сўнг харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш тармоқ вазирлик ва идоралари томонидан бюджет дастурларини ишлаб чиқиш босқичида амалга оширилади ҳамда таснифлаш натижалари бюджет сўровлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилади. Бунда тармоқ вазирлик ва идоралари томонидан бюджет сўровлари тақдим этилишида иқлим ўзгаришига боғлиқ деб белгиланган бюджет дастурлари бўйича иқлим ўзгариши жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичлари белгиланиши муҳим ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, бюджет харажатларини иқлим ўзгариши бўйича сиёсат самарадорлигини баҳолаш имкониятини беради.

28. Яқин истиқболда дастурий бюджетлаштириш тўлиқ жорий этилгунига қадар харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига бюджет сўровлари тақдим этилганидан сўнг, вазирлик томонидан бюджет лойиҳасини ишлаб чиқиш вақтида амалга оширилади.

4-§. Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашни автоматлаштириш

29. Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш воситаларининг ДМБАТга интеграция қилиниши келгуси йилларда харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш ишларини, бюджет харажатларининг иқлим ўзгариши мақсадларига қанчалик мослигини баҳолашни енгиллаштиради.

30. Яқин истиқболда харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш ДМБАТга интеграция қилингунига қадар оддий услубда автоматлаштирилмаган ҳолатда амалга оширилади.

31. Узоқ муддатли истиқболда дастурий бюджетлаштириш тўлиқ жорий этилганидан сўнг харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашни ДМБАТга интеграция қилиш кўриб чиқилади.

5-§. Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш натижаларини нашр этиш

32. Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш натижалари доимий асосда жамоатчиликка ошкор қилиб борилади. Маълумотлар даврий равишда

энг ками билан бир йилда бир марта чоп этиб борилади ҳамда ўзида режалаштирилган ва ижро этилган харажатларни акс эттиради.

33. Дастурий бюджетлаштириш тўлиқ жорий этилганидан сўнг эълон қилинадиган иқлим харажатлари бўйича бюджет маълумотлари нафақат иқлим харажатларининг умумий ҳажми, уларнинг иқлим билан боғлиқ харажатлари бюджет таснифи, иқтисодиёт тармоқлари ва масъул органлар бўйича тақсимотини, балки иқлим жиҳатидан кутилаётган фойда ва натижаларни ҳам қамраб олиши зарур. Шу сабабли харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш иқлим ўзгариши жиҳатидан бюджет самарадорлиги кўрсаткичлари ҳам жорий этилиши билан бирга амалга оширилиши зарур.

34. Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашни бюджет жараёнига интеграция қилиш бўйича умумлаштирилган жадвал мазкур Концепцияга 3-иловада назарда тутилмоқда.

6-боб. Давлат бюджети харажатларини барқарор ривожланиш миллий мақсадлари асосида таснифлаш

35. Харажатларни барқарор ривожланиш миллий мақсадлари (кейинги ўринларда – БРММ) асосида таснифлаш давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш ҳамда кўриб чиқишда ҳисобга олинади ва акс эттирилади.

36. Харажатларни БРММ асосида таснифлаш маблағларни тақсимлаш, кўшимча молиялаштиришни талаб қилувчи соҳаларни аниқлаш ва харажатлар самарадорлигини таҳлил қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш жараёнини такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

37. Харажатларни БРММ асосида таснифлаш бюджет маблағларидан фойдаланишда шаффофлигини, очиқликни ва жавобгарликни оширади.

38. Харажатларни БРММ асосида таснифлаш жараёнида давлат бюджети маблағларининг кенгроқ қамраб олиниши, БРММ бўйича бюджет харажатлари миқдори ҳақида тўлиқроқ маълумот беради.

39. Харажатларни БРММ асосида таснифлаш учун бюджет харажатлари таснифи барқарор ривожланиш вазифаларига эмас, балки мақсадларга асосланган бўлиши лозим.

40. Харажатларни БРММ асосида таснифлаш объекти бюджет тизими бюджетларининг вазифалар жиҳатидан таснифи этиб белгиланмоқда. Бунда харажатларни БРММ асосида таснифлаш ушбу таснифнинг иккинчи (кичик бўлими) даражасида амалга оширилади.

41. Бюджет харажатларининг вазифалар жиҳатидан таснифи давлат сиёсати нуқтаи назаридан (мақсадлар, вазифалар, якуний натижалар) бюджет харажатларининг мақсадини аниқ тасвирлаб бермасада ва дастурий тасниф сифатида харажатларни БРММ асосида таснифлаш учун самарали объект сифатида қаралмасада, ҳозирги вақтда бу тасниф таснифлаш мақсадлари учун фойдаланиш мумкин бўлган энг фойдали тасниф ҳисобланади.

42. Харажатларни БРММ асосида таснифлашда бюджет харажатларининг вазифалар жиҳатидан таснифидан фойдаланилиши натижаларни ДМБАТга интеграция қилиш, уни бюджет харажатлари билан боғлаш имконини беради.

43. Яқин истиқболда харажатларни БРММ асосида таснифлаш ДМБАТга интеграция қилинунига қадар оддий услубда автоматлаштирилмаган ҳолатда амалга оширилади.

Узоқ муддатли истиқболда дастурий бюджетлаштириш тўлиқ жорий этилганидан сўнг харажатларни БРММ асосида таснифлаш ДМБАТга интеграция қилиш кўриб чиқилади.

44. Харажатларни БРММ асосида таснифлаш БРММ соҳасида ривожланишни давлат ва хусусий молиялаштириш, шунингдек, халқаро молиялаштириш доирасида кузатиш имконини беради.

45. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ вазифалар БРММ да ҳам назарда тутилгани сабабли барча “яшил” ташаббуслар учун харажатларни аниқлашда алоҳида “яшил” таснифлаш услубидан фойдаланилиши зарур.

46. Бюджет харажатларини таснифлаш тизимида ҳар бир вазифалар жиҳатидан тасниф сатрлари икки марта, жумладан БРММ асосида таснифлаш вақтида ҳамда харажатларни иқлим жиҳатидан ва “яшил” таснифлаш вақтида таснифланади.

47. Харажатларни БРММ асосида таснифлаш жараёнида вазифа жиҳатидан таснифнинг фақат битта БРММга эришишга кўмаклашадиган бюджет сатри ҳисобга олинади.

48. Харажатларни БРММ асосида таснифлаш тизимини жорий этишнинг дастлабки босқичларида БРММга киритилмайдиган харажатлар, шу жумладан, давлат органларининг иш ҳақи харажатлари таснифланмайди. Бундай харажатларни таснифлаш кейинги босқичларда, жумладан таснифлаш тизими янада мукаммаллашиши ҳисобига бир модда бир нечта БРММга эришишга кўмаклашганда ҳамда БРММга эришишга фойздаги ҳисса бўйича вазн кўрсаткичлари тизими ишлаб чиқилганда жорий этилади.

49. Келгусида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги вазифа жиҳатидан таснифнинг бюджет сатрларини БРММнинг ҳар бир мақсадларига боғлаш учун белгиланган рўйхатни ишлаб чиқади.

Давлат бюджети харажатларининг барқарор
ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлиги
ва иқлим ўзгаришига таъсирини кўрсатиб бориш
(маркировкалаш) концепциясига
1-илова

Иқлим ўзгариши таъсирини “ижобий” тарафга юмшатиш тадбирлари РЎЙХАТИ

| Тармоқлар | Махсус тадбир номи | Мувофиқлик мезонлари |
|------------|--|--|
| Энергетика | Электр энергияси, иситиш энергияси, механик энергия ёки совитиш учун қайта тикланадиган энергия ишлаб чиқариш. | Иссиқхона газлари эмиссияси қазиб олинадиган ёқилғи ишлаб чиқаришдан келиб чиқадиган иссиқхона газлари эмиссиясидан сезиларли даражада паст бўлиши керак. Дастлабки босқичда ишлаб чиқилган сувоқ биоёқилғи бундан мустасно. |
| | Электр энергияси, иситиш, механик энергия ёки совитиш учун қайта тикланадиган энергия ҳамда қазиб олинадиган энергиядан биргаликда фойдаланиш. | Иссиқхона газлари эмиссияси қазиб олинадиган ёқилғи ишлаб чиқаришдан келиб чиқадиган иссиқхона газлари эмиссиясидан сезиларли даражада паст бўлиши керак. Бунда фақат қайта тикланадиган энергия манбаларига йўналтирилган харажатлар киритилиши керак. |
| | Паст углеродли водородни ишлаб чиқариш, сақлаш ёки ишлатиш. | Углерод даражаси жуда паст бўлган электр энергиясидан фойдаланган ҳолда сувни электролиз қилиш орқали ёки углеродни ушлаш ва ушланган CO ₂ ни сақлаш ёки утилизация қилиш билан буғ ёрдамида табиий газдан ўгириш (конверсия) қилиш орқали ҳосил бўлган водород. Соф иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтириш натижасини ҳосил қилиши керак. |
| | Кўмирдан газга ўтиш каби углерод даражаси баланд бўлган ёқилғиларни углерод даражаси пастроқ бўлган ёқилғига алмаштириш | Электр энергиясини ишлаб чиқариш учун тўғри келмайди. Қазиб олинадиган ёқилғига ўтилган ҳолатда, заводнинг ишлаш муддатидан ошмаслиги керак. |
| | Чикинди газдан ёқилғи ёки хомашё сифатида фойдаланиш. | Иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтириши керак. Кўмир қатламидан олинадиган метан гази, янги нефть қазиб олиш конларидан олинган йўлдош газ ва янги газ қазиб олиш конларидан олинган шахта метан гази истисно қилиниши керак. |
| | Бир манбадан энергия ишлаб чиқаришдан | Бундай трансформация самарадорликнинг сезиларли даражада |

| Тармоқлар | Махсус тадбир номи | Мувофиқлик мезонлари |
|---|---|---|
| | электр энергияси, иситиш энергияси ва механик энергияси ёки совитиш учун энергияни биргаликда ишлаб чиқаришга, масалан, бирлашган иссиқлик ва электр энергияси станцияларига ўтиш. | яхшиланишини таъминлаши керак. |
| | Энергия ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш. | Самарадорликнинг сезиларли даражада яхшиланишини таъминлаши керак. |
| | Углеродни ушлаб қолиш ва сақлаш. | CO ₂ сақланиши мунтазам тусга эга бўлиши керак. |
| | Кўпроқ паст углеродли энергияни таъминлаш мақсадида энергияни сақлаш ва тармоқ барқарорлигини такомиллаштириш чоралари. | Қазиб олинadиган ёқилғига тааллуқли эмас. |
| | Паст углеродли электр энергияси улушини оширадиган янги электр энергияси узатиш ёки тарқатиш инфратузилмаси. | Паст углеродли электр энергияси улушининг ошишига олиб келувчи инфратузилмани намоёйиш қилиш салоҳиятига эга бўлиши керак. |
| | Иситиш ёки совитиш тизимлари энергияси учун янги узатиш ёки тарқатиш инфратузилмаси. | Иситиш ёки совитиш энергияси қазиб олинadиган ёқилғидан олинмаслиги керак. |
| | Мавжуд электр, иссиқлик ёки газни узатиш ва тақсимлашда самарадорликни ошириш ёки техник йўқотишларни камайтириш. | Бу энергия ёки соф иссиқхона газларидан фойдаланиш самарадорлиги сезиларли даражада яхшиланишини таъминлаши керак. |
| | Электр, иссиқлик ёки газни тақсимлашда тижорий мақсадларида фойдаланишдаги ва (тўловларни) йиғиб олишдаги йўқотишларини камайтириш; ёки истеъмолчи талабини бошқаришга қаратилган чора-тадбирлар. | Истеъмолчилар томонидан тўланадиган тўловлар самарасини ошириш керак. |
| | Ташиш ва сақлаш инфратузилмасида иссиқхона газларининг қочқин чиқиндиларини камайтириш. | |
| Кончилик ва металл ишлаб чиқариш | Қайта тикланадиган энергия, энергия самарадорлиги технологиялари ва бошқалар учун муҳим бўлган минераллар ва металл | Агар якуний фойдаланиш тури маълум бўлса, якуний фойдаланиш иқлим ўзгаришининг таъсирини юмшатиш билан боғлиқлигини кўрсатиши керак. Агар якуний фойдаланиш тури номаълум бўлса, глобал даражада глобал |

| Тармоқлар | Махсус тадбир номи | Мувофиқлик мезонлари |
|----------------------|---|--|
| | <p>рудаларини қазиб олиш.</p> <p>Қайта тикланадиган энергия, энергия самарадорлиги технологиялари ва бошқаларда асосан ишлатиладиган ёки муҳим аҳамиятга эга бўлган металллар ёки қотишмаларни ишлаб чиқариш.</p> | <p>фойдаланишнинг аксарият қисми иқлим ўзгаришининг таъсирини юмшатиш учун эканлигини кўрсатиш керак.</p> <p>Агар якуний фойдаланиш тури маълум бўлса, якуний фойдаланиш иқлим ўзгаришининг таъсирини юмшатиш билан боғлиқлигини кўрсатиши керак. Агар якуний фойдаланиш тури номаълум бўлса, глобал даражада глобал фойдаланишнинг аксарият қисми иқлим ўзгаришининг таъсирини юмшатиш учун эканлигини кўрсатиши керак.</p> |
| Ишлаб чиқариш | <p>Мавжуд конларда саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш.</p> | <p>Соф иссиқхона газлари эмиссияларини, углерод интенсивлигини (масалан, бир бирлик бошига CO₂) ёки энергия интенсивлигини (масалан, бир бирлик бошига гигажоул) сезиларли даражада камайтириши керак.</p> |
| | <p>Бир манбадан энергия ишлаб чиқаришдан электр энергияси, иситиш энергияси ва механик энергияси ёки совитиш учун энергияни биргаликда ишлаб чиқаришга, масалан, бирлашган иссиқлик ва электр энергияси станцияларига ўтиш.</p> | <p>Бундай трансформация самарадорликнинг сезиларли даражада яхшиланишини таъминлаши керак.</p> |
| | <p>Янги юқори самарали ёки паст углеродли ишлаб чиқариш объектлари ёки мавжуд ишлаб чиқариш объектида янги қўшимча ускуналар ёки ишлаб чиқариш линиялари.</p> | <p>Тегишли миллий даражада мақбул бўлган мезон кўрсаткичдан сезиларли даражада пастроқ углерод эмиссия ёки энергия сарфини намойиш қилиши керак.</p> |
| | <p>Қазиб олинадиган ёқилғи асосида ишлайдиган ускуналар ёки жараёнларни электр энергиясида ишлайдиган ускуналар ёки жараёнлар билан алмаштириш.</p> | |
| | <p>Углеродни ушлаб қолиш ва сақлаш.</p> | <p>CO₂ сақланиши мунтазам тусга эга бўлиши керак.</p> |
| | <p>Иссиқхона газлари эмиссиясининг олдини олиш ёки уни камайтириш учун саноат инфратузилмасини модернизация қилиш.</p> | <p>Соф иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак.</p> |
| | <p>Истеъмолни ёки чиқиндиларни камайтирувчи мавжуд ёки янги/илғор саноат жараёнларни яхшилаш ёки жорий қилиш.</p> | <p>Соф иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак</p> |
| | <p>Паст углеродли энергия ёки чиқиндилардан ҳосил қилинган энергияни</p> | <p>Сақлаш қазиб олинадиган ёқилғига тааллуқли эмас.</p> |

| Тармоқлар | Махсус тадбир номи | Мувофиқлик мезонлари |
|--|---|---|
| | бирлаштириш имконини берувчи энергияни сақлаш технологияларини жорий қилиш. | |
| | Фақат қайта тикланадиган энергиядан фойдаланиш, энергия самарадорлиги ёки бошқа паст углеродли технологиялар учун бутловчи қисмлар, ускуналар ишлаб чиқариш ёки инфратузилмани яратиш. | |
| | Паст углеродли водородни ишлаб чиқариш. | Углерод даражаси жуда паст бўлган электр энергиясидан фойдаланган ҳолда, сувни электролиз қилиш орқали ёки углеродни ушлаш ва ушланган CO ₂ ни сақлаш ёки утилизация қилиш билан буг ёрдамида табиий газдан ўгириш (конверсия қилиш) орқали ҳосил бўлган водород. Соф иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтириш натижасини ҳосил қилиши керак. |
| | Чикинди газдан хомашё ёқилғиси сифатида фойдаланиш. | Иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтириши керак. Кўмир қатламидан олинадиган метан гази, янги нефть қазиб олиш конларидан олинган йўлдош газ ва янги газ қазиб олиш конларидан олинган шахта метан гази истисно қилиниши керак. |
| Қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, ердан фойдаланиш ва балиқчилик | Қишлоқ хўжалигида энергия сарфини камайтириш. | Соф иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак. |
| | Тупроқ таркибида углерод захираларини кўпайтириш ёки эрозияга қарши кураш, шу жумладан, яйловлардан фойдаланишни тартибга солиш орқали тупроқ таркибидаги углерод йўқотилишининг олдини олиш. | Ер усти ёки ер остидаги углерод захираларининг сезиларли кўпайишига олиб келиши керак |
| | Қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган амалиёт ёки операцияларини бажаришда таркибида CO ₂ бўлмаган иссиқхона газлари эмиссиясини камайтириш. | Соф иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак. |
| | Чорвачиликда метан ёки бошқа иссиқхона газлари эмиссиясини камайтириш. | Соф иссиқхона газлари эмиссияси ҳажми ёки суръатини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак. |
| | Ўрмон хўжалигини барқарор бошқариш, ўрмонларнинг кесилиши ёки ер деградациясининг олдини олиш. | Ер усти ёки ер остидаги углерод захираларининг сезиларли кўпайишига ёки соф иссиқхона газлари эмиссияси ҳажми ёки суръатини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак. |

| Тармоқлар | Махсус тадбир номи | Мувофиқлик мезонлари |
|---------------------------------|--|--|
| | Балиқчилик ёки сув дунёси объектларида CO ₂ интенсивлигини пасайтириш. | Соф иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши ва маҳаллий экотизимнинг деградациясига олиб келмаслиги керак. |
| | Озиқ-овқат маҳсулотлари йўқотилишини ёки озиқ-овқат чиқиндиларини камайтириш ёки паст углеродли диетани тарғиб қилиш. | Соф иссиқхона газлари эмиссияси ҳажми ёки суръатини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак. |
| | Биоматериал ишлаб чиқариш. | Соф иссиқхона газлари эмиссияси ҳажми ёки суръатини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак. Бунда биомасса озиқ-овқат саноати билан рақобатлашмайдиган барқарор ва ижтимоий жиҳатдан мақбул манбалардан олинishi керак. |
| Сув таъминоти ва чиқинди сувлар | Сув таъминоти тизимларининг энергия самарадорлигини ошириш, шу жумладан, энергия сарфини ва йўқотишларни камайтириш. | Бу сезиларли даражада энергия самарадорлиги яхшиланишига ёки соф иссиқхона газлари эмиссиясининг камайишига олиб келиши керак. |
| | Авитоцистерналар ёрдамида ёки бошқа юқори эмиссияли сув таъминотини қувурли сув тизимлари билан алмаштириш. | Соф иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак. |
| | Энергия самарадорлиги юқори бўлган янги сув таъминоти лойиҳалари. | Мамлакатда мавжуд энг яхши технологиядан фойдаланиши ёки эмиссиясиз бўлиши керак (масалан, гравитация асосида сув таъминоти). |
| | Сув йўқотилишини камайтириш, энергияни тежашни рағбатлантириш, чиқинди сувларни тозалаш борасидаги мақсадларга эришиш ёки ундан ҳам ошириш ва бошқалар учун ишлатиш ва техник хизмат кўрсатишни яхшилаш. | |
| | Чиқинди сувларни, нажасли ёки зарарсизлантирилган лойни йиғиш ва тозалаш орқали иссиқхона газлари эмиссиясини камайтириш. | Соф иссиқхона газлари эмиссияси ҳажминини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак. |
| | Мавжуд чиқинди сувларни тозалаш ва бошқариш иншоотларининг энергия ёки иш самарадорлигини такомиллаштириш. | Соф иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак. |
| | Чиқинди сувларни, нажасли ёки зарарсизлантирилган лойни йиғишни | Соф иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак. |

| Тармоқлар | Махсус тадбир номи | Мувофиқлик мезонлари |
|--|---|--|
| | яхшилаш. Чиқинди сувларни қайта ишлатиш. | Соф иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак |
| Қаттиқ маиший чиқиндиларни тартибга солиш | Ажратиб олинган чиқиндиларни алоҳида йиғиш ва ташиш. | Қайта фойдаланиш ёки қайта ишлаш учун материаллар хусусиятини тиклашни энгиллаштириши керак. |
| | Ажратиб олинган чиқиндиларни сақлаш, жамлаш ёки ташиш. | Қайта фойдаланиш ёки қайта ишлаш учун материаллар хусусиятини тиклашни энгиллаштириши керак. |
| | Қайта фойдаланиш имконини таъминлаш. | Акс ҳолда маҳсулот чиқиндига чиқарилиши мумкинлигини, у асл фойдаланишга қайтарилиши ва келажакда қайта тиклаш ёки қайта ишлашга хавф туғдирмаслигини намойиш қилиши керак. |
| | Чиқиндилардан материалларни механик жараёнлар ёхуд механик бўлмаган жараёнлар ёрдамида қайта тиклаш. | Қайта фойдаланиш ёки қайта ишлашга тайёрлаш учун чиқиндилардан иккиламчи материалларни қайта тиклашга қаратилган бўлиши ва соф иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришига олиб келиши керак. |
| | Чиқиндиларни анаэробик усулда эритиш/парчалаш. | Биологик чиқиндилар манба жойида ажратиб олиниб, улар алоҳида йиғилиши ва биогаздан унумли фойдаланилиши керак. Парчаланган қолдиқлар ёқиб ташланмаслиги керак. Метан оқиб кетишининг олдини олиш бўйича чоралар кўрилиши керак. |
| | Компостлаш. | Ҳосил бўлган компост иложи бўлган ўринларда табиий ўғит ёки тупроқ тузилмасини қайта тикловчи унсур сифатида ишлатилиши керак ва ёқиб ташланмаслиги керак. |
| | Биологик чиқиндилар ва уларнинг қийматини қайта тиклашнинг бошқа турлари. | Биологик чиқиндилар манба жойида ажратиб олиниб, улар алоҳида йиғилиши, ва бу жараёнлар эмиссияни сезиларли даражада камайтиришига олиб келиши керак. |
| | Аралаш қолдиқ чиқиндиларни механик ёки биологик усуллар билан тозалаш. | Қайта тикланган материаллар қайта ишлаш учун яроқли бўлиши керак ва соф иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак. Утилизация қилинадиган биологик чиқиндилар органик таркибий қисмларни барқарорлаштириш учун биологик усулда тозаланиши керак. |
| | Чиқиндиларни ёқиб ташлаш. | Соф иссиқхона газлари эмиссияларининг сезиларли даражада камайишини намойиш қилиши ва энг яхши мавжуд технологиялардан фойдаланилиши керак (айниқса, иссиқлик ва электр қувват энергияси комбинацияси асосида). |
| Эски чиқинди полигонларини ёки полигон участкаларини ёпиш ишлари | Олинган чиқинди полигон газидан унумли фойдаланилиши ёки агарда бу иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ бўлмаса, ёқиб ташланиши | |

| Тармоқлар | Махсус тадбир номи | Мувофиқлик мезонлари |
|------------------|--|--|
| | доирасида полигон газини олиш. | керак. Чиқинди полигонларида метан эмиссиянинг олдини олиш бўйича чоралар кўрилиши керак. |
| | Янги санитар чиқинди полигонларида ёки полигон участкаларида полигон газини олиш. | Соф иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак. Олинган чиқинди полигон газидан унумли фойдаланилиши ёки агарда бу иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ бўлмаса, ёкиб ташланиши керак. Чиқинди полигонларида метан эмиссиянинг олдини олиш бўйича чоралар кўрилиши керак. |
| | Чиқиндиларни утилизация қилиш иншоотларида энергия самарадорлигини ошириш. | Соф иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак. |
| Транспорт | Шаҳар ва қишлоқ жамоат транспорти. | Юқори углеродли транспорт турларидан модал силжишга олиб келиши керак. |
| | Моторсиз транспорт ва жамоат велосипедлари механизмини жорий қилиш дастурлари. | |
| | Юк ва йўловчиларни шаҳарлараро темир йўл транспортида ташиш. | Юқори углеродли транспорт турларидан модал силжишга олиб келиши керак. Қазиб олинган ёқилғини ташиш билан боғлиқ фаолият бундан мустасно |
| | Автобус ёки шаҳарлараро жамоат транспорти. | Юқори углеродли транспорт турларидан модал силжишга олиб келиши керак |
| | Юкларни ёки йўловчиларни ташиш учун сув транспорти. | Юқори углеродли транспорт турларидан модал силжишга олиб келиши керак. Қазиб олинган ёқилғини ташиш билан боғлиқ фаолият бундан мустасно. |
| | Йўловчи ёки юк транспорти парки ёки тўғридан-тўғри чиқиндилари ноль ёки паст даражада бўлган тегишли инфратузилма. | Қазиб олинган ёқилғи ташиш транспорти бундан мустасно. |
| | Биоёқилғи ёки синтетик ёқилғидан фойдаланган ҳолда ташиш фаолияти. | Ҳаётий цикл мобайнида чиқариладиган иссиқхона газлари эмиссиясини камайтиришга олиб келиши керак. Биринчи авлод биоёқилғидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият бундан мустасно. |
| | Транспортга талабни бошқариш сиёсати ҳамда интеллектуал транспорт тизимлари. | Транспортнинг янада самарали турларига ўтиш учун бўлган умумий талабнинг пасайишига олиб келиши керак. |
| | Чиқинди газидан транспорт ёқилғиси сифатида фойдаланиш. | Соф иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак. |
| | Ҳаво транспорти ҳаракатини самарали | Соф иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга |

| Тармоқлар | Махсус тадбир номи | Мувофиқлик мезонлари |
|--|---|---|
| | <p>бошқариш.</p> <p>Аэропорт тизимларининг самарали ишлаши ёки жойларда қайта тикланадиган энергия ишлаб чиқариш.</p> | <p>олиб келиши керак.</p> <p>Соф иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак</p> |
| <p>Бинолар, жамоат иншоотлари ва якуний истеъмол томонида энергия самарадорлиги</p> | <p>Янги ва/ёки мавжуд бинолар ва хуудларда энергия ва ресурслар истеъмолини ёки CO₂ эмиссиясини камайтириш ёхуд углерод чиқиндиларининг ушлаб қолинишини орттириш чоралари.</p> | <p>Энергия истеъмоли, ресурс истеъмоли ёки CO₂ эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак. Тегишли ҳолларда «яшил» технология қўллаб қурилган биноларни сертификатлаш талабларига жавоб бериши керак.</p> |
| | <p>Янги ва/ёки мавжуд бинолар ва хуудларда энергия ва ресурслар истеъмолини ёки CO₂ эмиссиясини камайтириш ёхуд жамоат жойлари ёки иншоотларда углерод чиқиндиларининг ушлаб қолинишини орттириш чоралари.</p> | <p>Энергия истеъмоли, ресурс истеъмоли ёки CO₂ эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак.</p> |
| | <p>Энергия самарадорлигини ошириш ёки мавжуд жиҳоз ва ускуналардан таралувчи эмиссияларни камайтириш.</p> | <p>Энергия истеъмоли, ресурс истеъмоли ёки CO₂ эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак.</p> |
| | <p>Натижада эмиссияларни камайтиришга олиб келувчи жиҳоз ва ускуналарни алмаштириш (масалан, ёритиш).</p> | <p>Энергия истеъмоли, ресурс истеъмоли ёки CO₂ эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак. Энг яхши мавжуд технологиялар қўлланиши керак.</p> |
| <p>Рақамли технологиялар</p> | <p>Мавжуд маълумот марказларининг уларда қайта тикланадиган энергияни жорий қилиш орқали энергия самарадорлигини ошириш.</p> | <p>Соф иссиқхона газлари эмиссияси ҳажми ёки суръатини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак.</p> |
| | <p>Халқаро энергия самарадорлиги стандартларига жавоб берадиган ва асосан маҳаллий қайта тикланадиган энергиядан қувват оладиган янги маълумот марказлари.</p> | |
| | <p>Энергия самарадорлиги юқори бўлган телекоммуникация тармоқлари.</p> | <p>Соф иссиқхона газлари эмиссияларининг сезиларли даражада камайишини ёки энергия самарадорлиги кўрсаткичлари бозор стандартларидан анча юқори эканлигини намойиш қилиши керак.</p> |
| <p>Илмий-тадқиқот, ишланмалар</p> | <p>Қайта тикланадиган энергия манбаларини тадқиқ қилиш ёки яратиш, энергия</p> | <p>Паст углеродли технологияларни қўллаб-қувватлайдиган, лекин айни вақтда, қазиб олинадиган ёқилгини разведка қилиш, қазиб олиш, қайта ишлаш</p> |

| Тармоқлар | Махсус тадбир номи | Мувофиқлик мезонлари |
|------------------------------|--|---|
| ва инновациялар | самарадорлигини ошириш, паст углеродли технологиялар ёки тўлиқ декарбонизацияга эришишга ёрдам берадиган бошқа технологиялар. | ёки ташиш ёки қазиб олинадиган ёқилгидан электр энергияси ишлаб чиқаришни бевосита қўллаб-қувватловчи фаолият (углеродни ушлаш ва сақлаш технологиялари бундан мустасно) қабул қилиниши мумкин эмас. |
| Тармоқлараро | Таъминот тизими бўйлаб энергия ёки материаллардан фойдаланишни камайтиришга ёки иқтисодийнинг даврий тизимларини жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар. | Соф иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак. |
| | Талаб/эҳтиёжни тартибга солиш. | Чора-тадбирлар энергия ёки ресурсларга бўлган талаб/эҳтиёжни қандай камайтиришини намойиш қилиши керак |
| | Хизматларни электрон тарзда етказиш. | Хизмат кўрсатиш ёки амалга оширишни кенг миқёсда ўзгартиришга ва шу орқали соф иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга эришади ёки ушбу турдаги биринчи хизматни ташкил қилади |
| | Қазиб олинадиган ёқилгини қазиб олиш, қайта ишлаш ва ташиш объектларини ёпишни қўллаб-қувватлашга, шу жумладан зарар кўрган ишчиларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган молиялаштириш. | Иқтисодий фойдаланиш даври тугашидан анча олдин ёпилишни мақсад қилиши керак бўлиб, зарар кўрган ишчиларни қўллаб-қувватлаш чоралари бундай объектларнинг эрта ёпилиши билан аниқ тарзда боғлиқ бўлиши керак. |
| | СО ₂ ни ташиш, ундан фойдаланиш ёки уни сақлаш. | Соф иссиқхона газлари эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга олиб келиши керак бўлиб, утилизация қазиб олинадиган ёқилги ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватламаслиги керак. |
| | Эмиссияни камайтириш ва/ёки энергия ёки ресурслар самарадорлиги стандартлари, паст углеродли технологиялар учун фискал имтиёзлар, углерод нархини белгилаш, шаҳар зичлигини камайтириш бўйича тармоқлараро ҳаракатлар стратегияси. | Ҳаракатлар стратегияси углерод миқдорининг кўпайишига ёки соф иссиқхона газлари эмиссиясининг сезиларли даражада камайишига олиб келадиган чора-тадбирларга қаратилган бўлиши керак. |
| | Иссиқхона газлари мониторинги. | Иссиқхона газлари эмиссиясига доир маълумотларни тўплашни яхшилашга олиб келиши керак. |
| | Энергия аудити. | Энергия истеъмолини ёки иссиқхона газлари эмиссиясини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиши керак. |
| Иқлим ўзгаришининг таъсирини | | |

| Тармоқлар | Махсус тадбир номи | Мувофиқлик мезонлари |
|-----------|--|----------------------|
| | юмшатишга қаратилган таълим, ўқитиш, салоҳиятни ошириш ёки хабардорликни ошириш. | |
| | Иқлим ўзгаришига қарши ёки карбонсизлаштириш бўйича ҳаракат режалари бўйича маълумотларни етказиш. | |

Давлат бюджети харажатларининг барқарор
ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлиги
ва иқлим ўзгаришига таъсирини кўрсатиб бориш
(маркировкалаш) концепциясига
2-илова

Иқлим таъсирига “одатий” мослаштириш чоралари РЎЙХАТИ

| Тармоқлар | “Одатий” мослаштириш чоралари |
|---|--|
| Қишлоқ хўжалиги | Иссиқлик ва қурғокчиликка чидамли экинлар/уруғларни кенг тарқатиш ва қўллаш; Қишлоқ хўжалиги соҳасида банд аҳоли учун иқлим/об-ҳаво маълумотларини яхшилаш; Тежамкор ирригация; Аҳолиси иқлим ўзгариши таъсирига тобе бўлган худудларда барқарор қишлоқ хўжалиги ва минтақавий ривожланишни қўллаб-қувватлаш. |
| Ўрмон хўжалиги | Ўрмонларни кўпайтириш (сув тошқини хавфларини камайтириш учун); Тупроқ эрозиясини камайтириш учун ўрмон майдонларини тиклаш/ҳимоя қилиш; Тупроқ эрозиясини камайтириш учун барқарор ўрмон бошқаруви; Ўрмонларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ фаолият (яшаш муҳитини ёки флора-фауна турларни сақлашга қаратилган ўрмон хўжалиги фаолияти). |
| Биологик хилма-хилликнинг бошқа турлари | Сув-ботқоқ ерларини ҳимоя қилиш ёки қайта тиклаш; Сув ресурсларини сақлаб қолиш; Тупроқ эрозиясини камайтириш/олдини олиш чора-тадбирлари. |
| Энергетика | Иқлим таъсирига чидамли энергия инфратузилмаси; ГЭСларнинг унумдорлигини/ресурс самарадорлигини ошириш; Иқлим ўзгариши таъсирига тобе хўжаликлар учун энергия етказиб бериш хизматларини кўрсатишни яхшилаш. |
| Сув ва чиқинди сувлар | Сувни тежаш ва сувни сақлаш самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар; Биринчи навбатда, иқлим ўзгариши таъсирига тобелиги юқори бўлиши мумкин бўлган аҳолига эътибор қаратган ҳолда ичимлик сувининг сифатини яхшилаш ва миқдорини орттириш бўйича чора-тадбирлар; Сув тошқинлари эҳтимоли ёки жиддийлигини камайтирадиган сув ва канализация хизматлари ва инфратузилма билан боғлиқ фаолият; Ер ости ёки ер усти сувларини муҳофаза қилишни яхшилайдиган чиқинди сувларни тартибга солиш схемалари; Чиқинди сувларни қайта ишлаш схемалари. |
| Транспорт | Иқлим таъсирига чидамли транспорт инфратузилмаси; Иқлим ўзгариши таъсирига тобе аҳолининг йўл транспорти (ва бошқа транспорт турлари)дан фойдаланиш |

| Тармоқлар | “Одатий” мослаштириш чоралари |
|---|--|
| | имкониятини яхшилаш. |
| Саноат | Иқлим хавф-хатарлари таъсирига тобеликни камайтириш мақсадида саноат объектларини модернизация қилиш; Тежамкор сув сарфи асосида ишлаб чиқариш технологияларига ўтиш. |
| Таълим | Ўқув дастурларида иқлим ва атроф-муҳит ҳақида хабардорликни ошириш чора-тадбирлари |
| Соғлиқни сақлаш | Иссиқлик босими каби иқлим ўзгариши натижасида кенг тарқалган соғлиқ учун хавф-хатарларга қарши чоралар кўришга ёрдам берадиган чора-тадбирлар Микробиологик сифат билан боғлиқ озиқ-овқат хавфсизлиги қоидаларини кучайтириш |
| Бошқа ижтимоий инфратузилма | Асосий хизматларни кўрсатиш ва иқлим ўзгариши таъсирига тобе бўлган аҳоли учун озиқ-овқат хавфсизлигини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар. |
| Молия | Иқлим хавфлари билан боғлиқ суғурталаш фаолияти. |
| Туризм | Экотуризм (табiiй экотизимларнинг салбий омиллар таъсирига қарши бардошлилигини сақлаш ва қишлоқ жойларида иқтисодий манбаларни диверсификация қилиш учун). |
| Тошқинлардан ҳимоя қилиш | Сув омбори тўғонларини бошқариш, сув тошқинлари оқибатларини бартараф қилиш каби тошқиндан ҳимоя қилиш чоралари. |
| Фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини мониторинг қилиш, олдини олиш ва бартараф этиш, шунингдек, уларнинг оқибатларини камайтириш | Фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш ва прогнозлаш ҳамда хавfli табiiй-техноген жараён ва ҳодисалар хавфини баҳолаш; Фавқулодда вазиятнинг олдини олиш, бартараф этиш ва оқибатларини камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан фавқулодда вазиятни эътироф этиш ва бартараф этиш тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилиш; Табiiй офатлар оқибатида этказилган зарарни аниқлаш ва баҳолаш ишларини ташкил этиш. |
| Стратегик ва оммавий хабардорлик | Мослаштириш стратегиялари, режалари ва сиёсатни ишлаб чиқиш; Иқлим ўзгариши, иқлим ўзгаришининг сабаблари ва оқибатлари ҳамда мослаштириш роли ҳақида жамоатчиликнинг хабардорлигини орттириш. |

Давлат бюджети харажатларининг барқарор
ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлиги
ва иқлим ўзгаришига таъсирини кўрсатиб бориш
(маркировкалаш) концепциясига
3-илова

**Давлат бюджети харажатларини иқлим жиҳатидан таснифланишини бюджет жараёнига интеграция қилиш бўйича
УМУМЛАШТИРИЛГАН ЖАДВАЛ**

| Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш элементи | Яқин истиқболдаги ёндашув | Узоқ истиқболдаги ёндашув |
|--|---|---|
| Бюджет қамрови | Давлат бюджети | Консолидациялашган бюджет: Давлат бюджети (республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар), давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет муассасаларининг бюджетдан ташқари жамғармалари (шу жумладан, халқаро давлат молияси) |
| Харажатлар қамрови | Барча бюджет харажатлари (жорий ва инвестиция харажатлари) | |
| Таснифлаш объекти | Вазифа жиҳатидан таснифнинг иккинчи даражаси (кичик бўлим) | Дастурий таснифнинг (классификатор) энг паст даражаси бўлган чоралар. |
| Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш учун масъул орган | Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан амалга оширилади. | Бюджет дастурлари бўйича масъул бўлган вазирликлар (идоралар) томонидан амалга оширилади (1-даражали бюджет тақсимловчилари). |
| Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш сифатини таъминлаш | Иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослаштириш сиёсати бўйича экспертлар. | Иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослаштириш сиёсати учун масъул давлат органи. |
| Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашда бюджет жараёни босқичлари | Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига бюджет сўрови тақдим этилганидан сўнг, вазирлик томонидан бюджет | Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш тармоқ вазирликлар (идоралар) томонидан бюджет дастурларини ишлаб чиқиш босқичида амалга оширилади ва харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш натижалари бюджет сўровлари доирасида Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилади. |

| Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш элементи | Яқин истиқболдаги ёндашув | Узоқ истиқболдаги ёндашув |
|--|--|---|
| | лойиҳасини ишлаб чиқиш вақтида амалга оширилади. | |
| Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашни автоматлаштириш | Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш ДМБАТга интеграция қилингунига қадар оддий услубда, автоматлаштирилмаган ҳолатда амалга оширилади. | Дастурий бюджетлаштириш тўлиқ жорий этилганидан сўнг харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашни ДМБАТга интеграция қилиниши кўриб чиқилади. |
| Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш натижаларини оммага ошкор қилиш | Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлаш натижалари доимий асосда жамоатчиликка ошкор қилиб борилади. Маълумотлар даврий равишда, энг ками билан бир йилда бир мартта чоп этиб борилади ҳамда ўзида режалаштирилган ва ижро этилган харажатларни акс эттиради. | Иқлим харажатлари тўғрисидаги нашр этилган маълумотлар бир хил даражада молиявий ва номолиявий жиҳатларга қаратилган. |

